

ЎЗА: “Ўзкимёсаноат” АЖда “Очиқ эшиклар куні” ташкил этилди

// 09.12.2025

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/about-us/uza-uzkimyosanoat-azhda-ochiq-eshiklar-kuni-tashkil-etildi>



9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кураш куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда жамият фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, аҳолини соҳага оид янгиликлар билан таништириш, шунингдек, коррупцияга қарши кураш соҳасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги сарҳисоб қилинди.

Шунингдек, тадбир давомида “Ўзкимёсаноат” АЖнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишида олиб бораётган ишлари, ички назорат тизими, хавфларни баҳолаш механизмлари, ходимлар учун ўтказиладиган ўқув-семинарлар ва профилактик чора-тадбирлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди. Коррупциянинг салбий оқибатлари, унинг давлат тизими, иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий ҳаётга етказадиган зарари ҳақида мисоллар билан тушунтирилди.

Таъкидланганидек, 2024 йил натижаларига кўра жамият томонидан амалга оширилган коррупцияга қарши курашиш ва фаолиятда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ишлари Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланган. Хусусан, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги бўйича рейтингда “Ўзкимёсаноат” АЖ фаолияти ижобий баҳоланиб, “кўк” кўрсаткични, “Очиқлик индекси” бўйича эса “яшил” кўрсаткични қайд этган. Бу эса жамиятда тизимли ишлар йўлга қўйилганини ва тузилманинг очиқликка интилишини яна бир бор тасдиқлайди.

– Жорий йилда “Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналар - “Максам-Чирчиқ” АЖ ва “Ўзкимёимпэкс” МЧЖлар “CERT International” академияси томонидан қайта аудитдан ўтказилиб, ISO 37001:2016 халқаро сертификатига муносиб деб топилди. Бу янгилик жамиятда коррупцияга қарши самарали ва тизимли ишлар олиб борилаётганини, халқаро стандартларга мутлақо мослик таъминланаётганини яққол

намоён қилади. Тадбир иштирокчилари коррупциянинг нафақат давлат тараққиёти, балки ҳар бир фуқаро хавфсизлиги, жамоадаги психологик муҳит ва меҳнат интизомига қандай таъсир қилаётганини батафсил ўрганди. Мутахассислар ҳар бир ходимнинг масъулияти, коррупциянинг олдини олишнинг аҳамияти ва жамиятда ҳалоллик тамойилларини мустаҳкамлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди, – деди жамият Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс бошқармаси бошлиғи Мурод Мавлонов.

Н.Зиёдуллаева, ЎЗА